

## СУНАНИ ТЕРМИЗИЙ АСАРИДА АБУ ҲАНИФА НЕГА ЗИКР ҚИЛИНМАГАН?

*Абдулҳамидов Файзуллажон Нишанович,  
Тошкент ислом институти ўқитувчиси,  
Зангиота тумани Умир масжиди имом хатиби  
+998 977561346*

**Аннотация:** Бу мақола “Сунани Термизий” асари ҳақида бўлиб, унда нега Абу Ҳанифа роҳматуллоҳи алайҳ зикр қилинмаганлиги қисқача баён қилинган. Бу асардаги “Аҳли рай”, “Аҳли Кўфа” каби иборалар нимани англатиши ва уларнинг келтирилиш сабаби келтириб ўтилган. “Ҳижоз илми мактаби”, “Ироқ илми мактаби” каби ҳадис мактаблари борасида ҳам сўз юритилади.

**Аннотация:** Эта статья посвящена Сунани Тирмизи и кратко объясняет, почему Абу Ханифа (да будет доволен им Аллах) не упоминается в ней. В данной работе упоминается значение таких выражений, как «Ахли Рай», «Ахли Кўфа» и причина их цитирования. Также говорят о школах хадисов, таких как «Школа науки Хиджаза» и «Школа науки Ирака».

**Abstract:** This article is about Sunani Tirmidhi and briefly explains why Abu Hanifa (may Allah be pleased with him) is not mentioned in it. In this work, the meaning of expressions such as "Ahli Ray", "Ahli Ko'fa" and the reason for their citation are mentioned. There is also talk about hadith schools such as "Hijaz School of Science" and "Iraq School of Science".

**Калит сўзлар:** сунан, ҳанафия, Полонпурий, Алмаъий, нусус, Ҳижоз, Термизий, Ироқ, аҳли рай.

“Сунани Термизий” асарини ўқиб бўлиб, бир савол кўп безовта қиларди. Бу борада кўп гумонларга боради киши. Бу саволга баъзи таъвиллар бўлган бўлсада, қалбнинг жоҳилликдан иборат шубҳа ва гумон оловини буткул ўчира олмаган эди.

Саволнинг келиб чиқиши шундан иборатки, “Сунани Термизий” асарини муаллифи Имом Термизий раҳимахуллоҳ ҳадисларни ривоят қила туриб, уларга бўлган фақиҳ ва мужтаҳидларнинг фикрларини, уларнинг муборак исмларини тилга олиб зикр қиладиларда, лекин биз севиб унга эргашадиган “Ҳанафия” мазҳаби имомларини, хоссатан, Имом Абу Ҳанифа, Имом Абу Юсуф ва Имом Муҳаммад раҳматуллоҳи алайҳимларнинг исмларини зикр қилмаган. Уларни умумий ном билан, яъни “Аҳли Кўфа” (Куфа аҳли) ибораси билан уларнинг фикрларини келтирадилар. Бу эса, ўқувчини ҳар хил ўй ва ҳаёлларга олиб боради.

Аллоҳ рози бўлсин улардан олимлар барибир олимда, улуғлар барибир, улуғда! Улар бўлмаганда, бу уммат дунёси ва динида албатта, адашиб кетарди!

Улуғ муҳаддис, умматнинг фахри Ҳазрат Шайх Мавлоно Муфтий Саъид Аҳмад Полонпурий аттараллоҳу марқадаҳу бу саволга ўзларининг машҳур “Сунани Термизий”га ёзган шарҳлари “Тухфатул Алмаъий Шарҳи Сунани Термизий” асарида шундай гўзал жавоб берганларки, бу ўқувчининг зехнидан гумон ўтини илдизи билан юлиб олади ва кўпроқ эмас, балки жуда кўп китоб мутолаа қилиш лозим эканлигига ишора қилади. Қуйида у зотнинг фикрларини келтирамиз:

“Шуни билиб олмоқ лозимки, дастлабки даврда, иккита илм мактаби бор эди. Бир “Ҳижоз илмий мактаби” бўлса, иккинчиси “Ироқ илмий мактаби”.

“Ироқ илмий мактаби” вакиллари, асосан, “нусуслар” яъни Қуръон ва ҳадислардан масалаларни чиқариб олардилар ва зимнан ҳадис илми билан шуғулланардилар. Уларни “Аҳли рай” ҳам дейишарди.

“Ҳижоз илмий мактаби” эса, асосан ҳадис ривояти ва ҳадис илмига доир масала ва фатволар билан шуғулланардилар.

“Ироқ илмий мактаби” деганда, фақат Имом Аъзам ва у зотнинг шогирдлари Имом Абу Юсуф ва Имом Муҳаммад раҳматуллоҳи алайҳимларни тушуниш хатодир, балки бу мактабнинг вакиллари жуда кўп бўлиб, улардан: Суфёни Саврий, Суфён ибн Уяйна, Абдуллоҳ ибн Муборак, Ибн Аби Лайло, Ибн Шибрима раҳимаҳумуллоҳлар ва бошқа жуда кўп имомлар шу мактаб вакиллари дидир. Улардан кейин келган мактаб вакиллари уларнинг фикрларини қўллаб-қувватлаб, далил жиҳатидан бойитганлар. Шундай қилиб, “Ҳанафия” мазҳаби мактаби вужудга келади [11.112].

Бу мактаб билан бир даврда, “Ҳижоз илмий мактаби” вужудга келади. Бу мактаб бошланишда, бир бўлиб, замонлар ўтиши билан турли мактабларга ва мазҳабларга бўлиниб кетади. Аввалда, бу мактабнинг етакчиси: Саид ибн Мусайяб раҳматуллоҳи алайҳ бўлиб, кейинчалик эса, Имом Молик раҳимаҳуллоҳ етакчи бўладилар. Сўнг, бу борада Имом Шофиъий раҳимаҳуллоҳ алоҳида йўл тутадилар ва у зотнинг алоҳида илмий мактаби вужудга келади. У зотдан кейин, шогирдлари Имом Аҳмад раҳматуллоҳи алайҳ алоҳида йўлни ихтиёр этадилар ва у зотнинг ҳам алоҳида мазҳаблари вужудга келади. Шу тариқа “Фикҳ” йўналишида тўртта мазҳаб юзага келади. У зотлардан ташқари, яна кўплаб имомлар ўзларининг алоҳида мактабларини тузадилар. Масалан: Имом Авзоъий, Имом Жарир Табарий раҳимаҳумуллоҳ. Лекин бу мазҳабларга эргашувчилар қолмаганидан кейин бу мазҳаблар ўз-ўзидан табиий тарзда тугайди [11.114].

“Ҳижоз илмий мактаби” учта асосий мактабга бўлинади. “Ироқ илмий мактаби” эса, яхлитлигича қолади. Ҳозир ҳам шу тўрт илмий мактаблар бизгача

етиб келган ва машхурдир. “Сихоҳи ситта” ёзилган даврда, ҳали “Ҳижоз илмий мактаби” тўлиқлигича учга бўлинмаган эди. Агар бир киши Моликий бўлса, у тўлиқлигича Моликий эмас эди, балки унинг ружҳони-ҳоҳиши (майли) Моликий мазҳабига эди. Яъни кўп масалаларда, Моликийлар билан маслакдош бўларди. Ким Шофиъий бўлса, кўп масалаларда, Имом Шофиъий раҳматуллоҳи алайҳ билан бирга эди, лекин тўлиқлигича эмас, балки баъзи масалаларда бошқа мазҳабда эди.

Имом Термизий раҳматуллоҳи алайҳ “Ҳижоз илмий мактаби” талабаларидан ва эргашувчиларидан бири эдилар. У зотнинг ружҳонлари (майллари) Имом Аҳмад Ибн Ҳанбал раҳматуллоҳи алайҳга эди, яъни кўп масалаларда, у зот билан мувофиқ эдилар. Худди Имом Абу Довуднинг ружҳонлари Имом Аҳмад ибн Ҳанбалга бўлгани каби [11.115].

“Сунани Термизий” асарининг баъзи жойларида бунга сарих (очикдан очик) ишоралар бор. Китобнинг ҳеч қаерида, Имом Термизий Имом Аҳмад ибн Ҳанбал раҳимаҳуллоҳга очиклаб эътироз билдирмайдилар, балки у зотни қўллаб-қувватлайдилар. Лекин Имом Абу Ҳанифа ва Имом Шофиъий раҳимаҳумуллоҳга очик эътироз билдирадилар. У зот, яна Исҳоқ ибн Роҳавайҳ раҳимаҳуллоҳга ҳам эътироз билдирмаганлар, чунки бу зотнинг мазҳаблари, бир-икки масалаларни инобатга олмаганда, Имом Аҳмад ибн Ҳанбалнинг мазҳабларидан деярли фарқ қилмайди. Имом Термизий шу икки мазҳабга эргашганлар.

Имом Термизий раҳимаҳуллоҳ “Сунани Термизий” асарида “Ироқ илмий мактаби”нинг фақиҳлари: Суфёни Саврий ва Абдуллоҳ ибн Муборак раҳимаҳуллоҳларнинг сўзларини, уларнинг исмларини зикр қилиб келтирадилар. Ваҳоланки, Суфёни Саврийнинг 95 фоиз сўзлари ва Абдуллоҳ ибн Муборакнинг 98 фоиз сўзлари Имом Абу Ҳанифанинг сўзларидир. Лекин Имом Термизий раҳимаҳуллоҳ ҳеч қаерда сароҳатан (очикчасига) Имом Абу Ҳанифа ва икки соҳибайн Абу Юсуф ва Имом Муҳаммад раҳимаҳуллоҳларни зикр қилмайдилар, балки жамлаб, “Кўфа аҳли” ибораси билан келтирадилар. Кўп “Ҳазратлар” бу ҳолатни: “Ироқий ва Ҳижозий мактаблар орасидаги ўзаро кураш ва тортишувлар сабабли, Имом Термизий раҳматуллоҳи алайҳ ўз “норозилик”лари ифодаси сабабидан у зотларни шу тарзда зикр қилганлар”, -деб тушунишади, лекин бу фикр тўғри эмас. Асл гап шуки, у замонда китоблардан ривоят қилиш жоиз бўлмаган, балки ўзига келган санад билан ривоят қилишни жоиз санашган.

Шунга кўра, Имом Термизий раҳимаҳуллоҳ ўзларининг “Китобул Илал” асарида мужтаҳидларнинг сўзларини санадлари билан келтирганлар. Мужтаҳидларнинг бу сўзлари ҳадисларнинг шарҳи орасида баён қилинган эди. Шунга кўра, Суфёни Саврий ва Ибн Мубораклар ҳадис дарси ҳалқасида баён

қилган сўзлари Имом Термизийга санад билан етиб келган ва у зот бу сўзларни ривоят қилганлар. Уч Имом эса, фикҳдан дарс берардилар, ҳадислар эса зикр қилинаётган масалалар зимнида баён қилинар эди. Шунинг учун ҳам бу фикҳий масалалар уч имомдан у зотга санад билан етиб бормади. Агар бу сўзлар Термизий раҳимахуллоҳга санад билан етиб борганда эди, у зот албатта, бу улуғ зотларни номини, уларнинг фикрларини зикр қилардилар.

Масалан, у зотга санад билан етиб келган, Имом Абу Ҳанифанинг Жобир Жуъфий борасидаги жарҳларини олсак. Имом Термизий раҳимахуллоҳ бу жарҳни у зотнинг исмларини зикр қилиб, “Китобул Илал” асарида келтирганлар. Агар шу каби бошқа сўзлар ҳам санад билан келганида, албатта, қавлни у зотнинг исмларини тилга олиб келтирар эдилар.

Лекин шу билан бирга, Ҳижозий мактаб вакиллари Ироқий мактаб вакилларининг фикҳга доир китобларини мутолаа қилар ва уларнинг фикҳий маслакларини билар эдилар. Шунингдек, Ироқий мактаб вакиллари ҳам Ҳижозий мактаб вакилларининг ҳадисга оид китобларини мутолаа қилар ва уларнинг ҳадисларидан воқиф-хабардор эдилар.

Хулоса қиладиган бўлсак, Имом Термизий раҳимахуллоҳ у зотларнинг исмларини зикр қилмасдан фикҳий маслакларини баён қилиб қўя қолганлар, чунки исмларини зикр қилиш учун санад зарур эди. Бундай ҳолатни Имом Таҳовий раҳимахуллоҳнинг “Шарҳи Маониюл Осор” китобларида ҳам кўришимиз мумкин. У зот Ҳанафий имомларининг фикрларини уларнинг исмларини зикр қилиб келтирадилар. Бошқа имомларнинг фикрларини эса, “Заҳаба қавмун” истилоҳи остида келтириб, уларнинг маслакларини баён қиладилар. Бу тарзда йўл тутишларининг сабаби Имом Термизий раҳимахуллоҳнинг сабаблари билан бир хилдир. Валлоҳу Аълам! (Манба: «Тухфатул Алмаъий Шарҳи Сунани Термизий» 1-жилд, 183-184 бетлар).

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Усманов И. Саидова Г. Мовароуннаҳр туркий тафсирлари тарихи. –Т.: Мовароуннаҳр, 2012. – 311 б.
2. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Қуръони Карим ва ўзбек тилидаги маънолар таржимаси. Т. Ҳилол нашр. 2019. – 562 б.
3. Қуръони Азим мухтасар тафсири. Шайх Алоуддин Мансур. “Sharq” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2019. – 544 б.
4. Ўқиш китоби /Т.Шермухамедов, Ф.Абдуллаев. –Т.: Ўқитувчи,1973. – 411 б.
5. Тафсиру ҳилол иккинчи 2 жуз. Шайх Муғаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. “Ҳилол-нашр”. Тошкент – 2019. – 565 б.

6. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. 5-жуз. –Т., Шарқ 2008. – 580 б.

7. Ҳасанов М. Абзалова М. Араб тили дарслиги. –Т., Мавароуннаҳр 2004. – 250 б.

8. Улумул Қуръон. Муҳаммад Али Собуний. “Мактабатул Бушарий” нашриёти. 2012 й. – 345 б.

9. Б. Иброхимов, «Араб тили (илк сабоҳлар)», Тошкент, «Университет», 1991 й. – 321 б.

10. Муаллифлар жамоаси. “Ан-Наим ул-кабир” арабча-ўзбекча луғат. – Наманган.: “Наманган”, 2018. – 805 б.

11. Саъид Аҳмад Полонпурӣ. *Тухфатул Алмаъий Шарҳи Сунани Термизий» 1-жил.* “Мактабатул Бушарий” нашриёти. 2012 й. – 545 б.